

“APPROVED”
By the Extraordinary General Meeting of
Shareholders of “Indorama Kokand
Fertilizers and Chemicals” JSC
Dated 30 august 2022

«Indorama Kokand Fertilizers and
Chemicals» АЖ акциядорларининг
2022 йил 30 августдаги навбатдан ташқари
умумий йиғилиши қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

REGULATIONS
ON THE GENERAL MEETING OF
SHAREHOLDERS
OF THE JOINT-STOCK COMPANY
“INDORAMA KOKAND FERTILIZERS
AND CHEMICALS”

«INDORAMA KOKAND FERTILIZERS
AND CHEMICALS» АЖ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ

Kokand, 2022

Қўқон ш, 2022

TABLE OF CONTENTS / ОГЛАВЛЕНИЕ

I. General terms and conditions / Умумий қоидалар	3
II. Competence of the General Meeting of Shareholders / АУЙ ваколатлари	4
III. Right to participate in the general meeting. Registration of shareholders and their authorized representatives / Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи. Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакиллари рўйхатга олиш.	6
IV. Preparation for conduct of the annual general meeting of shareholders / Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш	8
V. Preparation for conduct of the extraordinary general meeting of shareholders / Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш	12
VI. Quorum of the general meeting of shareholders / Умумий йиғилиш қворуми	15
VII. Working bodies of the general meeting of shareholders/ Умумий йиғилишнинг ишчи органлари	16
VIII. Voting at the general meeting of shareholders. / Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш.	18
IX. Minutes of voting results / Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома.....	19
X. Order of conduct of the general meeting of shareholders/ Умумий йиғилишни ўтказиш тартиби	20
XI. Minutes of the general meeting of shareholders/ АУЙ баённомаслари	20
XII. Execution of the decision of the general meeting of shareholders/ АУЙ қарорларини бажариш	21
XIII. Final provisions / Яқуний қоидалар	21
XIV. Applications / Иловалар	22

I. GENERAL TERMS AND CONDITIONS

1.1. This regulation defines the status, work, holding and decision-making of the General Meeting of Shareholders (hereinafter referred to as the GMSH) of JSC “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” (hereinafter referred to as the Company).

1.2. The Regulations were developed in accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan “On the Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders’ Rights” and the Charter of the Company.

1.3. The GMSH is a supreme managing body of the Company.

1.4. The Company must every year hold the GMSH (the annual General Meeting of Shareholders).

1.5. The GMSH shall be held not later than six months after the end of a fiscal year, in the last week of June. At the annual GMS the issues on the election of the Supervisory Board and the Auditing Committee (an auditor) of the Company, extension, renewal or cancellation of the contract with the executive body (hereinafter referred to as the General Director) and a trust manager are to be solved, and the annual report of the Company, reports of the Executive Body and the Supervisory Board on measures taken to achieve the Company’s development strategy and other document in compliance with the Legislation are to be considered.

1.6. Meetings conducted besides the annual GMSH is the extraordinary ones.

1.7. The date and order of conduct of the GMS, the order of shareholders’ notification on its conduct, the list of materials (information) to be presented to shareholders at preparation for conduct of the GMS shall be established by the Supervisory Board of the Company.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу низом «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) акциядорларнинг умумий йиғилиши (кейинги ўринларда АУЙ) мақомини, ишини белгилайди, уни ўтказиш ва қарор қабул қилишини тартибга солади.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуни, бошқа меъёрий-ҳуққий ҳужжатлар ва жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. АУЙ жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

1.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай, июнь ойининг охирига ҳафтасида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яққабошчилик асосидаги ижроия органи (бундан буён матнда бош директор деб юритилади) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

1.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

II. COMPETENCE OF THE GMS

2.1. The exclusive competence of the GMSH includes:

- entry of amendments and supplements into the Charter of the Company or approval of the Charter of the Company in new wording;
- reorganization of the Company;
- liquidation of the Company, appointment of the liquidator (liquidation committee) and approval of the intermediate and final liquidation balance sheets;
- definition of quantitative membership of the Supervisory Board and the Minority Shareholders' Committee of the Company, election of their members and pre-term termination of their powers, as well as approval of the Provisions on the Supervisory Board and on the Minority Shareholders' Committee
- definition of maximal size (amount) of the placed shares;
- increase in the Authorized Fund of the Company;
- reduction of the Authorized Fund of the Company;
- acquisition by the Company of its own shares;
- approval of the organizational structure of the Company, election (appointment) of General Director and pre-term termination of its (his/her) powers, as well as approval of the Regulations on the Executive Body;
- election of members of the Auditing Committee (an auditor) of the Company and pre-term termination of their powers, as well as approval of the Regulations on the Auditing Committee (an auditor);
- approval of the Regulations on the Internal Control, on the Dividend Policy, on the Order of Actions for Conflict of Interests;

- approval of the annual report, the annual business plan of the Company, the middle term and long term (for a period of more than 5 years) development strategies of the Company;

- hearing of the reports of the Supervisory Board and conclusions of the Auditing Committee (an auditor) of the Company on issues related to their competence, including observance of requirements to the management of the Company established by the Legislation;
- adoption of a decision on conduct of an annual analysis of the correspondence of business processes and projects to the goals of the

II. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Кузатув кенгаши ва Миноритар акциядорлар қўмитаси тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;
- жамиятнинг устав фондини камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, бош директорни сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек “Ижроия органи тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш;
- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- Ички назорат тўғрисидаги, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш татиби тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга (5 йилдан ортиқ) ривожланиш стратегиясини;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
- мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес –жараёнлар ва лойиҳаларнинг жамиятни ривожлантириш

development of the Company with the involvement of independent professional consultancy organizations;

- distribution of profits and losses of the Company;
- establishment of a category (type) of shares for which dividends are paid (declared), the amount per one share of a certain type, the period, procedure and frequency of dividend payment;

- adoption of a decision on issue by the Company of the corporate bonds, including those which are convertible into shares;

- adoption of a decision on issue of the derivative securities;

- adoption of a decision on the repurchase of the corporate bonds of the Company;

- adoption of decisions on the determination of transactions related to the current economic activity of the Company;

- making a decision on non-application of the preferential right provided for in Article 35 of the Law "On Protection of the Rights of Joint-Stock Companies and Shareholders";

- definition of an offer (a placement) price for shares (for placement at an organized security market) in accordance with the Article 34 of Law "On the Joint-Stock Companies and Protection of the Shareholders' Rights";

- approval of the regulations for the GMSH;

- splitting and consolidation of shares;

- establishing the remuneration and (or) compensations to be paid to the Supervisory Board of the Company, as well as their maximal size (amount);

- establishing the remuneration and (or) compensations to be paid to the Executive Board of the Company, as well as their maximal size (amount);

- adoption of decisions on conclusion of transactions by the Company in cases stipulated by the Chapters 8 and 9 of Law "On the Joint-Stock Companies and Protection of the Shareholders' Rights";

- adoption of a decision on charitable (sponsor) or gratuitous assistance, the amount of which is more than one percent of the size of the Company's net assets as of the date of the decision;

- attraction on the basis of competition of an independent organization to provide practical assistance to the counting commission or the performance of its functions;

- determination of the procedure for covering expenses for the maintenance of the Committee of

мақсадларига мувофиқлигини ҳар йили таҳлил қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият фойда ва зарарларини тақсимлаш;

- дивидендлар тўланадиган (эълон қилинадиган) акцияларнинг тоифасини (турини), муайян турдаги акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдорини, дивидендларни тўлаш муддати, тартиби ва даврийлигини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш бўйича қарорлар қабул қилиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг [34-моддасига](#) мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг уюшган бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- жамият кузатув кенгашига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- жамият ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларни энг юқори миқдорларини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қарор қабул қилинган санада жамият соф активлари миқдорининг 1 фоизидан ортиқ бўлган хайрия (ҳомийлик) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- санок комиссиясига амалий ёрдам кўрсатиш ёки унинг вазифаларини бажариш учун танлов асосида мустақил ташкилотни жалб этиш;

- миноритар акциядорлар кўмитасини сақлаш ҳаражатларини жамият маблағлари ҳисобидан қоплаш

Minority Shareholders at the expense of the company's funds (when creating the Committee of Minority Shareholders);

- determining the audit organization for conducting a mandatory audit, making a decision on the maximum fee to be paid for the services of this organization and concluding a contract with it (cancellation of the contract);
- solution of other issues in accordance with the Legislation.

2.2. The issues attributed to the competence of the GMSH shall not be transferred for resolution by the Executive Body of the Company.

2.3. The issues attributed to the competence of the GMS shall not be transferred for resolution by the Supervisory Board of the Company, except for the following issues:

- increase in the Authorized Fund of the Company, as well as entry of amendments and supplements into the Charter of the Company related to increase in the Authorized Fund of the Company;
- definition of offer (a placement) price for shares (for placement at an organized security market) in accordance with the Article 34 of Law "On the Joint-Stock Companies and Protection of the Shareholders' Rights;"
- adoption of a decision on issue by the Company of corporate bonds, including those which are convertible into shares;
- adoption of a decision on issue of derivative securities;
- adoption of a decision on the buyback by the Company of its own corporate bonds;
- election (appointment) of General director, pre-term termination of its (his/her) powers;
- establishing the sizes of the remuneration and (or) compensation to be paid to the Executive Body of the Company;
- attraction on the basis of competition of an independent organization to provide practical assistance to the counting commission or the performance of its functions.

III. RIGHT TO PARTICIPATE IN THE GENERAL MEETING. REGISTRATION OF SHAREHOLDERS AND THEIR AUTHORIZED REPRESENTATIVES

тартибини белгилаш (миноритар акциядорлар кўмитасини тузишда)

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар жамият ижроия органига ҳал этиш учун берилиши мумкин эмас.

2.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг [34-моддасига](#) мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг уюушган бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- бош директорни сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини мудатидан олдин тугатиш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- саноқ комиссиясига амалий ёрдам кўрсатиш ёки унинг вазифаларини бажариш учун танлов асосида мустақил ташкилотни жалб этиш;

III. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМЙЙ ЙИГИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ.

3.1. The right to participate in the General Meeting of Shareholders is held by shareholders recorded in the register of shareholders of the Company, formed three working days before the date of the General Meeting of Shareholders.

3.2. Entry of amendments into the register of the shareholders of the Company is allowed only in cases of restoration of the violated rights of persons not included into the mentioned register by a date of its formation, or correction of the errors committed at its formation, in the procedure, established by the Legislation.

3.3. The right to participate in the GMS is possessed by the shareholders recorded in the register of shareholders of the Company, their authorized representatives, representatives of an audit organization, members of the Supervisory Board, General director, members of the Auditing Commission.

(In case of considering candidatures entered in the voting ballots for the election of the Supervisory Board and the Supervisory Bodies of the Company, as well as appointing the Sole Executive Body of the Company, it is recommended to invite these persons too.)

3.4. The right to participate in the general meeting of shareholders is exercised by the shareholder personally or through his representative.

The shareholder has the right to replace his representative at the general meeting of shareholders at any time or to participate in the meeting in person.

3.5. The shareholder's representative at the General meeting of Shareholders acts on the basis of a power of attorney drawn up in writing. The power of attorney for voting must contain information about the person being represented and the representative (name or title, place of residence or location, passport data or ID card data). The power of attorney to vote on behalf of an individual must be notarized.

3.6. The head of the legal entity, which is a shareholder of the Company, exercises his/her powers at the general meeting on the basis of the legal act on appointment to the post and the identity document.

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.2. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар фақат ушбу реестр тузилган санада кўрсатилган реестрга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки уни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишига жамият акциядорлари реестрига киритилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, аудиторлик ташкилотининг вакиллари, кузатув кенгаши аъзолари, жамият бош директори, тафтиш комиссияси аъзолари қатнашиш ҳуқуқига эга. (Жамият кузатув кенгаши ва назорат органларини сайлаш, шунингдек жамиятнинг ягона ижро этувчи органини тайинлаш бўйича овоз бериш бюллетенларига киритилган номзодлар муҳокама қилинган тақдирда ушбу шахсларни мажлисга таклиф этиш тавсия этилади.)

3.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

3.5. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

3.6. Юридик шахснинг раҳбари – жамият акциядори умумий йиғилишда ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида лавозими бўйича амалга оширади.

3.7. A representative of a shareholder, which is a legal entity, may participate in the GMS if there is a Power of Attorney in his/her name issued by the head of the organization or another person authorized by its constituent documents, certified by the seal of this organization.

3.8. In accordance with the register of shareholders of the Company, a registration list is developed. The registration list must be stitched, numbered, sewn and sealed by the seal of the Company.

3.9. At conducting the general meeting, shareholders (their representatives) sign in the registration list and receive a set of voting ballots based on the number of voting shares of each shareholder determined by the register of shareholders of the Company.

3.10. If a participant submits a Power of Attorney to represent the interests of one or several shareholders, he/she receives ballots for voting of the represented shareholder (shareholders), and in the registration list the following note is made in front of the name of the represented shareholder: "under the Power of Attorney No. ___ dated "___"___ by ___ (amount) voting shares" and is indicated the surname, name and patronymic name of the representative.

3.11. In case if the Company's share is in the common shared ownership of several persons, then the powers of voting at the GMS are exercised at their discretion by one of the participants in the common shared ownership or their common representative. Powers of each of the persons mentioned above shall be formalized in the due order.

IV. PREPARATION FOR CONDUCT OF THE ANNUAL GMS

3.7. Акциядор – юридик шахнинг вакили, агар унинг номидан ташкилот раҳбари ёки унинг таъсис хужжатларида бунга ваколат берилган бошқа шахс томонидан имзоланган, ташкилот муҳри билан тасдиқланган ишончнома мавжуд бўлса, умумий йиғилишда қатнашиши мумкин.

3.8. Жамият акциядорлари реестрига мувофиқ рўйхатга олиш рўйхати тузилади. Рўйхатга олиш варақаси жилдланган, рақамланган, тикилган ва аксиядорлик жамиятининг муҳри билан муҳрланган бўлиши керак.

3.9. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олиш варақасини имзолайдилар ва жамият акциядорлари реестрига мувофиқ белгиланадиган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиққан ҳолда овоз бериш бюллетенлари тўпламини оладилар.

3.10. Агар йиғилиш иштирокчиси бир ёки бир нечта акциядорларнинг манфаатларини ифодалаш учун ишончнома тақдим этса, унга вакиллик қилинган акциядор(лар)нинг овоз бериш учун сайлов бюллетенлари берилади, рўйхатга олиш рўйхатида эса вакиллик қилинган акциядор номи қаршисида; “___”___ даги ___- сонли ишончнома бўйича ___ дан ___ гача овоз берувчи акциялар” деган ёзув қўйилади ва вакилнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

3.11. Агар жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

IV. АУЙ НИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

4.1. At preparation for conduct of the GMS, the Supervisory Board of the Company, and in cases stipulated by the Part 11 of the Article 65 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On the Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders’ Rights,” the persons convening the GMS shall define the following:

- date, time and place of conduct of the GMS;
- the agenda of the GMS;
- date of formation of the register of the shareholders of the Company for conduct of the GMS;
- order of notification of shareholders and the state representative on conduct of the GMS;
- list of information (materials) to be presented to shareholders and the state representative at preparation for conduct of the GMS;
- form and text of a voting ballot.

4.2. It is not allowed to include wording on the agenda of the General meeting of shareholders that does not contain the formulation of a specific issue (including “miscellaneous”, “other”, etc.).

4.3. Date of conduct of the GMS shall not be defined at less than ten days and more than thirty days since a date of adoption of a resolution on its conduct.

4.4. The notice of the General meeting of shareholders is published on the Unified Portal of Corporate Information, on the official website of the company and in the media, and is also sent to shareholders by e-mail no later than twenty-one days, but no earlier than thirty days before the date of the meeting General meeting of shareholders.

The announcement of the General meeting of shareholders must contain:

- name, location (postal address) and the e-mail address of the Company;
- date, time and place of the general meeting;

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда жамиятнинг кузатув кенгаши, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 65-моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.2. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

4.3. Умумий йиғилиш санаси уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кундан кам ва ўттиз кундан ортиқ муддатга белгиланиши мумкин эмас.

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

- the date of formation of the register of shareholders of the company;
- items included in the agenda of the general meeting;
- order of the shareholders' getting familiar with the information (materials) subject to presentation to the shareholders in process of preparation for conduct of the GMS.
- the procedure for participation and voting at the general meeting of shareholders, including remotely using information and communication technologies

4.5. The information (materials) that must be presented to shareholders when preparing for the General Meeting of Shareholders include the company's annual report, the conclusion of the company's audit commission (inspector) and audit organization on the results of the company's annual financial and economic activity audit, the General Director of the company's supervisory board, trustee conclusion on the possibility of extending the validity period of the contract concluded with the company, redrafting or canceling the contract, as well as information on candidates for membership (inspection) of the company's supervisory board and audit commission, draft amendments and additions to the company's charter or a new version of the company's charter.

4.6. The list of additional information (materials) required to be provided to shareholders in preparation for the general meeting of shareholders may be established by the authorized state body for securities market regulation.

4.7. The information (materials) to be provided to shareholders must be accessible to persons participating, including remotely using information and communication technologies, in the general meeting of shareholders before and during its holding.

- жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.

4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамият кузатув кенгашининг бош директор, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

4.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.7. Акциядорларга берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилганига қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Proposals for the agenda of the General Meeting of Shareholders

4.8. Shareholders (a shareholder), who in the aggregate who are owners of not less than one percent of the voting shares of the Company are entitled, not later than 90 (ninety) days after the end of a fiscal year of the Company, to enter issues into the agenda of the annual GMS and nominate candidates for membership in the Supervisory Board and the Auditing Committee (auditors) of the Company, the number of which shall not exceed the quantitative membership structure of that body.

Shareholders (a shareholder) are entitled to enter amendments into the list of candidates nominated by them for membership in the Supervisory Board and the Auditing Committee (auditors) of the Company not later than three working days since a date of publication of the notification on conduct of the annual General Shareholders' Meeting.

4.9. An issue into the agenda of the GMS shall be entered in writing with indication of reasons of its statement, names (titles) of shareholders proposing the issue, quantity and type of the shares belonging to them.

At presenting proposals on nominating the candidates for membership in the Supervisory Board and the Auditing Committee (auditors) of the Company, including cases of self-nomination, name of a candidate, quantity and type of shares belonging to him/her (if a candidate is a shareholder of the Company), as well as names (titles) of shareholders nominating a candidate, quantity and type of the shares belonging to them shall be indicated.

4.10. The Supervisory Board of the Company shall consider the received proposals and adopt a decision on their inclusion into the agenda of the GMS or on refusal of their inclusion into the said agenda not later than ten days after the end of a period established in Parts I and II of the Article 63 of Law of the Republic of Uzbekistan "On the Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights."

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар

4.8. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

4.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.10. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 63-модасининг [биринчи](#) ва [иккинчи қисмларида](#) белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.11. An issue presented by shareholders (a shareholder), shall be subject to inclusion into the agenda of the GSM, as well as nominated candidates shall be subject to inclusion into the list of nominees for voting on election of members into the Supervisory Board and the Auditing Committee (an auditor) of the Company, except for cases, when:

- shareholders (a shareholder) have not observed the term established by the Part I of the Article 63 of Law of the Republic of Uzbekistan “On the Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders’ Rights;”
- shareholders (a shareholder) are not owners of quantity of voting shares of the Company stipulated by the Part I of the Article 63 of Law of the Republic of Uzbekistan “On the Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders’ Rights”;
- the data stipulated by the clause 3 of the Article 63 of Law of the Republic of Uzbekistan “On the Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders’ Rights,” is incomplete;
- proposals do not conform to the requirements of the Law of the Republic of Uzbekistan “On the Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders’ Rights.”

4.12. Reasoned decision of the Supervisory Board of the Company on refusal to include an issue into the agenda of the GMS or a candidate’s inclusion into the list of nominees for voting on the election of members into the Supervisory Board and the Auditing Committee (an auditor) of the Company, shall be directed to shareholders (a shareholder) who presented a proposal not later than three working days since a date of its adoption.

4.13. Decision of the Supervisory Board of the Company on refusal to include an issue into the agenda of the GMS or a candidate’s inclusion into the list of nominees for voting on the election of members into the Supervisory Board and the Auditing Committee (an auditor) of the Company may be appealed to a court.

V. PREPARATION FOR CONDUCT OF THE EXTRAORDINARY GENERAL SHAREHOLDERS’ MEETING

5.1. Conducted in addition to the annual General meeting of shareholders are extraordinary.

4.11. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- акциядорлар (акциядор) томонидан Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 63-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган муддатларга риоя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) Қонуннинг 63-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган миқдордаги жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 63-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.12. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.13. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМЙЙ ЙИГИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШ.

5.1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

5.2. An extraordinary GMS shall be conducted upon a decision of the Supervisory Board of the Company:

- on basis of its own initiative;
- a written request of the Auditing Committee (an auditor);
- a shareholder (shareholders) who are owners of not less than five percent of voting shares of the Company, taken by a date of submission of the written request.

5.3. The convocation of an extraordinary General meeting of shareholders at the written request of the audit commission (auditor) of the company or the shareholder (shareholders), which owns at least five percent of the voting shares of the company, is carried out by the supervisory board of the company no later than thirty days from the date of submission of a written request for an extraordinary General meeting of shareholders.

